



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУСТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

БУЙРУҚ

2019 йил “ 15 ” Март

№ 01-206

Тошкент ш.

**Институт чора-тадбирлари режаларининг
ижроси тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 5 январдаги хати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2019 йил 21 февралдаги 2-сонли йиғилиш баённомасида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 5 январдаги хати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2019 йил 21 февралдаги 2-сонли йиғилиш баённомасида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш учун ишлаб чиқилган Тошкент давлат шарқшунослик институтининг илмий салоҳиятини ошириш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш борасидаги чора-тадбирлар режалари 1-2-иловаларга биноан раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Н.Абдуллаев, Ўқув ва тарбия ишлари бўйича проректор А.Воҳидов, факультетлар деканлари (Қ.Омонов, С.Хошимова, Ш.Усманова, З.Қодиров, Ч.Хусанов)га:

2.1. Институт чора-тадбирлари режаларидаги вазифалар белгиланган муддатларида ижроси тўлиқ таъминлансин.

2.2. Чора-тадбирлар режаларининг ижроси факультетлар кенгашларида ва институт Кенгашида муҳокама қилиб борилсин.

3. Девонхона мудирини (Ш.Якубжанова)га:

3.1. Мазкур чора-тадбирлар режалари нусхалари ўрнатилган тартибда институт проректорлари ва факультетлар деканларига ижро учун етказилиши таъминлансин.

4. Ушбу буйруқнинг ижро назорати Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Н.Абдуллаев зиммасига юклатилсин.

Ректор

А.Маннонов